

## ХОТИРА ВА УНИНГ ИНСОН ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Холлиева Рўяб

Қарши давлат университети 2-курс магистранти

**Аннотация:** Хотира инсон фаолиятининг барча турларида муҳим рол ўйнайди. Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларини хотирасини ўстиришни усуллари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** хотира, хотира жараёнлари, идрок, хотирани ўстирувчи машқлар.

Хотира инсон ҳаётидаги ғоят катта аҳамиятга эгадир. Хотира туфайли онгимизда фақат ҳозирги пайтдаги нарсалар, ҳодисалар акс этиб қолмай, балки ўтмишдаги идрок қилинган нарса ва ҳодисалар, кечирган туйғу фикрлар ҳам акс этади. Инсон хотира туфайли малака ва кўникмалар ҳосил қилади, билиминини бойитади ва савиясини кенгайтиради. Ҳатто ёш болалар ҳам агар уларни хотирасида тегишли маълумотлар сақланган бўлсагина ўйин фаолияти билан шуғуллана оладилар. Акс ҳолда ўйин фаолиятини ҳам амалга ошириб бўлмайди. Хотира мукамал бўлмай туриб фан асосларини ўзлаштириб олиш мумкин эмас.

Хотира бир қанча жараёнларни ўз ичига олади:

- эсда сақлаш;
- эсда олиб қолиш;
- эсга тушуриш;
- унутишдир.

Хотира ёдлашдан бошланади. Хотира муҳим фундаментал инсон қобилияти ҳисобланади.

Эсда олиб қолиш бу – идрок қилинган материалларни, нарса ва ҳодисаларни онгимизда қолдиришдан иборат хотира жараёнидир.

Унутиш туфайли инсон янги таассуротлар учун жойни тозалайди ва хотирани тафсилотларар тўпламидан озод қилади, бу инсоннинг тафаккур юритишига хизмат қилиш учун янги имконият беради. Хотиранинг намоён бўлиш шакллари жуда хилма-хилдир, чунки у инсон ҳаётининг турли соҳалари, хусусиятлари билан боғлиқ.

Хотира қуйидаги белгиларига кўра таснифланади:

1. Инсон нимани эслайди (нарсалар ва ҳодисалар, фикрлар, ҳаракатлар, ҳиссиётлар). Шунга кўра ҳаракатли, оғзаки-манتيқий ва образли хотира фарқланади;

2. Инсон қандай эслаб қолади (тасодифан ёки атайдан). Бу ерда ихтиёрий ва ихтиёрсиз хотира ажратилади;

3. Хотира қанча вақт сақланади. Бу қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив хотирага бўлинади. Хотиранинг барча турлари ўзлари учун зарур ва қимматлидир, катталар ҳаёти давомида улар йўқолмайди, балки бойитилади, бир-бири билан ўзаро алоқада бўлади.

Мактаб ўқувчилари ёш болалар хотираси жудаям фаол бўлиб, эшитган, ўқиган нарсаларини бирдан ёдда сақлаб қоладилар ва тезда унатадилар. Шунинг учун ўқувчиларга кўрган нарсаларни 2-3 марта ёдларига солиш керак ва кўргазмалар орқали дарсни ташкил этиб бориш керак.

“Хотира китоб эмас, у балки кутубхонадир”

Болада хотиранинг дастлабки аломатлари ёнидаги яқин кишилар ва буюмларни танишда кўринади. Бир ёшга тўлмаган болада хотираси илгари идрок қилган, кўрган, номини эшитган нарсаларни тасаввур қилиш йўли билан эслай олади. Хотирани мустаҳкамлаш учун бир қанча машқлар ҳам олиб бориш керак. Болаларда хотира ривожланиш машқлари содда тарзда бошланиб, аста секин мураккабликка ўтиши ва машқлар ҳеч қачон чекланмаслиги керак. Самарали машқлардан бири бу – расмларни эслаб қолиш. Бундай машқни ўтказиш учун бирон бир қизиқарли расмлар ёки шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Унда 10 тадан 15 тагача бўлган жисм, хайвон ёки шакллар расмларидан фойдаланилади. Ушбу расмга бир дақиқа давомида диққат билан қарайдилар ва у ердаги нарсаларни эслаб қолишга ҳаракат қиладилар. Шундан сўнг ўқитувчи расмни беркитади ва эслаб қолган нарсаларни айтишни сўрайди. Болаларнинг хотирасига нечта шакл ёки нарсаларни номи сақланганини аниқлаш мумкин. Кичик мактаб ёшдаги болаларнинг қизиқишларини ошириш, хотирасини мустаҳкамлаш берилаётган материалларни узоқроқ хотирасида сақлаш учун дарс жараёнида 10-15 минутлик тест, ҳикоя, қисқа муддатли қизиқарли суҳбат, ўйин, қўшиқ ва ифодали ўқиш методларидан фойланиш мумкин.

Албатта, ўқувчи нутқининг ўсишида хотирасини мустаҳкам бўлишида ўқитувчининг нутқи катта рол ўйнайди, чунки ўқитувчининг нутқи намунали нутқ бўлиб болага таъсир эта олиши керак. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлаш, нутқини ўстиришга интилиб, ўзи ҳам ўз нутқини такомиллаштириш устида тўхтовсиз ва тинмай ишлаши керак. Мазмунли, тўлиқ фикрли, тўғри тузилган ва услуб жиҳатидан чиройли бўлган нутқни ва хотирани ўстириш мактабда болаларнинг ўқитиш соҳасида қуйилган муҳим вазифаларнинг биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1..Давлетшин М.Г Дўстмухамедова Ш,Мавлонов М,Тўйчиева С.”Ёш ва педагогик психология. Ўқув методик қўлланма-Т,2004.
2. Ғозиев Э.Ғ.Умумий психология.Дарслик И,ИИ китоб.-Т.2002.